

гласно Государственного образовательного стандарта, профессиональные компетенции – компетенции, необходимые для реализации профессиональной деятельности. Они отражают совокупность характеристик определённой деятельности и трансформируются в набор требований для профессии. Они являются специфичными для конкретной области профессиональной деятельности. Количество и качество компетенций меняется в зависимости от уровня подготовки специалиста (обычная или углублённая). Формирование каждой компетенции обеспечивается определённым набором разделов, дисциплин и практик, объединённых в соответствующие модули, а содержание модулей полностью соответствует требованиям к знаниям, умениям и личностным качествам будущего специалиста, обеспечивающим качество формирования той или иной компетенции. В процессе обучения у студентов формируется набор компетенций, которые позволили бы определить уровень готовности специалиста к профессиональной деятельности. Вместе с тем, необходимо отметить, что общие и профессиональные компетенции имеют множество точек соприкосновения. Это объясняется сущностью понятия «компетенция», которое имеет сложную структуру, компоненты которой могут входить в состав разных видов компетенций. В этой связи можно говорить об интегративном характере компетенций, синтезирующих в себе необходимый по количеству и качеству объём компонентов, позволяющих эффективно решить профессиональную проблему задачу. Для практики профессиональной подготовки кадров это означает, что ключевые и профессиональные компетенции должны формироваться в тесном единстве друг с другом в рамках нескольких учебных дисциплин. Наиболее полно таким условиям соответствуют технологии интеграции в образовании, позволяющие учитывать связи между компонентами как одной, так и разных компетенций. Эти обстоятельства являются тем более значимыми, что формируемая компетентность специалиста представляет собой не механическую сумму, а систему компетенций. Мониторинг требований работодателей к компетенциям специалистов со средним специальным

профессиональным образованием показывает, что компетентности востребованного специалиста обусловлена такими качествами личности специалиста как мобильность и оперативность, самостоятельность, инициативность и творческий подход. Процесс подготовки специалистов среднего специального профессионального образования в Узбекистане развивается по следующим основным направлениям: – оснащение образовательных учреждений современными средствами современных педагогических технологий, позволяющего определённым образом повысить качество образовательного процесса; – использование современных средств информационных для обеспечения возможности удалённого доступа в организации информационной поддержки образовательного процесса; – пересмотр и изменение содержания образования на всех его уровнях, обусловленные стремительным развитием общества в современных условиях. Особое значение применение педагогических технологий имеет для подготовки специалистов среднего специального образования. Современные педагогические технологии несут в себе не только мощный потенциал для повышения качества подготовки специалистов, но и способствуют качественному моделированию будущей профессиональной деятельности в отрасли за счёт контекстного взаимодействия будущих специалистов.

Таким образом, выделенные в параграфе значимые для нашего исследования тенденции развития профессионального образования: социальное партнёрство с работодателями, компетентностная ориентация образовательных результатов, совершенствование педагогических технологий в средне-специальном образовании определяют основные направления поиска вариантов совершенствования системы профессиональной подготовки кадров в конкретном образовательном учреждении. Одним из главных направлений подготовки конкурентоспособного специалиста, обусловленных выделенными нами тенденциями, рассматриваемых в контексте современных требований образования и требований работодателей, является формирование ключевых компетенций.

Литература

1. Болотов В.А., Сериков В.В. Компетентностная модель: от идеи к образовательной программе. // Педагогика. 2003. № 10. - С. 8-14.
2. Закон Республики Узбекистан об образовании 1997.
3. Зеер Э.Ф. Модернизация профессионального образования: Компетентностный подход. -М.: Московский психолого-социальный институт. 2006. -С. 216, 128.
4. Зимняя И.А. Компетентностный подход: каково его место в системе современных подходов к проблемам образования. //Высшее образование сегодня. 2006. № 8. -С. 20-26.
5. Кашапов М.М. Психология творческого мышления профессионала: монография. - М.: ПЕР СЭ, 2006. -С. 688, -С. 492.
6. Кива А.А. Дидактическое проектирование на основе компетентностного подхода: монография. – М.: Академия профессионального образования. 2005. -С. 178, -С. 17.
7. Корнейченко Н.В. Конкурентоспособность будущего специалиста в условиях рынка труда. //Высшее образование сегодня. 2008. № 10. - С.72-74.
8. Муслимов Н.А. Касб таълими уқитувчиси касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: Пед. фан. ном. ... дис. автор. -Тошкент: ТГПУ, 2007. -С. 47.
9. Национальная программа по подготовке кадров. -С.15.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақоланинг мақсади профессионал компетенция муаммосининг ривожланишини ўрганиш, унинг умумий маданиятшунослик аспектидаги ўрнини белгилаш ва келажак педагогларнинг ўқиш ва яшаш жараёнидаги систем ва конкрет алоқаларини тадқиқ қилиб, уларнинг асосий характеристикасини беришдан иборат. Ҳозирги кунда ушбу муаммо ўрганилган илмий ишлар сони бир қанча, зеро, “педагогик компетенция” феноменини ўрганиш долзарб бўлмақда.

РЕЗЮМЕ

Целью данной статьи является рассмотрение современных подходов к проблеме развития профессиональной компетенции, определение её роли в общекультурной системе и конкретно, в деятельности будущего педагога и выявление основных характеристик. На данный момент существует достаточное количество исследований, сосредоточенных на изучении такого феномена, как «педагогическая компетенция».

SUMMARY

The article deals with modern approaches in investigating the problems of developing professional competence in future pedagogues, identifying its role in the cultural system and in the upbringing of future teachers, in particular and determining the general characteristics. Nowadays there are many investigations on the given topic, focused on the study of such phenomena as «pedagogical competence».

МАКТАБГАЧА ВА БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМИ МУВОФИҚЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Д.Атаджанова - ўқитувчи

Р.Исмаилова - талаба

Урганч давлат университети

Таянч сўзлар: мактабгача таълим, бошланғич таълим, таълим самарадорлиги, инновацион ёндашув, мактабга тайёрлов, нутқ ўстириш, савод ўргатиш.

Ключевые слова: дошкольное образование, начальное образование, эффективность обучения, инновационной подход, подготовка к школе, развитие речи, обучение грамоте.

Key words: pre-school education, primary education, education effectiveness, innovative approach, preparation to school, speech improvement, teaching literacy.

Ҳозирги даврда миллий тикланиш мафқураси шаклланаётган жамиятда маънавий-ахлоқий муҳит

соғломлашайтган, миллий қадриятлар, инсон ҳуқуқи ва эрки тикланаётган, иқтисодий қуч-қуввати намоён бўлаётган бир

шароитда баркамол инсон деганда шундай ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий хислатлар жаммуни мужассамлаштирган, жамиятда ўзлигини ва ўз қобилиятини ҳар томонлама намоён эта оладиган, маърифатли, дунёвий билимларни мукамал эгаллаган, ақлан етук, ахлоқан пок, жисмонан соғлом, ҳаёт гузақликларини ҳис эта оладиган эркин ижодкор шахс тушунилади [1].

Умумий ва махсус билимларга эга, онгли, тафаккури турли «изм»лардан озод, замонавий дунёқарашга, миллий ва умуминсоний кадриятларга ворис бўлган инсонларгина фуқаролик жамиятини барпо этишга ва уни шакллантиришга қодир бўлади.

Мактабгача таълимда «Болажон» [2] дастури, бошланғич таълимда «Ўзвийлаштирилган Давлат таълим стандарти ва ўқув дастури» [3] каби меъёрий ҳужжатлар мактабгача ва бошланғич таълимни инновацион ривожлантиришга алоҳида талаблар қўймоқда. Уларда мактабгача таълим ва бошланғич таълимни интеграциялаш масаласига илмий ва илмий методик қарашнинг ўзига хос хусусиятлари атрофлича ёритиб берилган.

Мактабгача ва бошланғич таълим самарадорлигини оширишда ўзаро алоқанинг ҳамкорликдаги мақсадга мувофиқ томонлари кенг изоҳлаб, таъкидлаб ўтилган. Айниқса бошланғич таълимда савод ўргатишнинг (ўқиш ва ёзув) қўникма ва малакаларининг сифат ва салмоғини кўтариш, таълим-тарбия жараёнига янгича ёндошув, маҳалла ва мактаб ҳамкорлигини такомиллаштириш заруратини ҳаётимиз яққол кўрсатиб турибди. Оила, боғча, маҳалла ва мактаб ҳамкорлигининг барча қирралари мактабгача ва бошланғич таълимни мувофиқлаштиришнинг педагогик ва психологик асослари, манбалари ҳисобланади.

Шу пайтгача мактабгача ва бошланғич таълимни бири-бирига боғлаш, уларни мувофиқлаштиришнинг педагогик ва психологик хусусиятлари чуқур таҳлил қилинмаган, бу соҳадаги айрим масалаларга бағишланган тадқиқот иши, фикр-мулоҳазалар, мақолалар ҳам эълон қилинган ҳолос.

Маълумки, боғчада болаларни мактабга тайёрлаш анча эрта бошланади. Дейиш мумкинки, болалар боғчага келган илк кунлариданоқ (2-3 ёшдан) тайёрлашга киришилади. Чунки улар билан олиб бориладиган ҳар бир машғулот боғча тарбияланувчиларига мактабни эслатиб туриши лозим. Кичик ва ўрта гуруҳлардан бошлаб, катта гуруҳларнинг хилма-хил машғулотлари тарбияланувчиларини фақат ҳар томонлама ривожланишлари учун хизмат қилади. Айниқса катта гуруҳларда (5-6 ва 6-7 ёшли) олиб бориладиган машғулотлар мактабда олиб бориладиган машғулотлар билан яқинлиги, бири иккинчисининг давоми эканлиги, уйғунлиги, ҳамоҳанглиги билан мантиқан ва яққол ажралиб туриши керак.

Катта гуруҳларда машғулотларнинг тури анчагина бўлиб, у 10-12 турга ажратилади. Булар ҳар ҳафтада турлича соатларда олиб борилади. Машғулотлар ҳафтасига 15 соатдан, жадвал асосида ўтказиб турилади.

Катта гуруҳдаги машғулотлар барча фанлардан бир ойда 60 соатдан, 1-ярим йилликда 4 ой (сентябрь, октябрь, ноябрь, декабрь)да 240 соат машғулот олиб борилади. Таълим тарбия (ўқув йили) йилининг 2-ярмида 5 ой (I, II, III, IV, V)да 300 соат дарс (машғулот)лар олиб боришга эришилади. Демак, боғчаларнинг мактабга тайёрлов гуруҳларида ҳар йили барча фанлардан 540 соат машғулот олиб боришга муваффақ бўлинади.

Шуни таъкидлаб ўтишни лозим топдикки кўп соат (вақт) ажратилган машғулот (фан) номларини санаб ўтишни зарур деб билдик. Атрофимиздаги олам билан таништириш, илк математик тасаввурларни шакллантириш, расм, жисмоний тарбия ва мусика машғулотларига 72 соатда йил давомида машғулотлар олиб борилади. Лой иши, нутқ ўстириш, саводга ўргатиш машғулотларига йилига 36 соатдан машғулот ўтказишни режалаштириш тавсия этилади. Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, болаларни саводга ўргатишга тайёрлашга ҳам 72 соат ажратилган. Лекин у иккига бўлиб берилган, яъни нутқ ўстириш ва саводга ўргатиш каби. Қолган машғулотларнинг йил давомида ҳафтасига ярим соатдан, йил бўйи 36 ҳафтада 18 соат машғулот ўтиш режаси берилган. Шунингдек, кичик гуруҳларда ҳафталик соатлар асосида йиллик соатлар берилган. Булар катта гуруҳлардан анча оз.

Ҳозирда ҳар бир боғчада машғулотлар ўтишга жиддий муносабатда бўлинади. Машғулотлар мудира томонидан тасдиқланган дарс жадваллари асосида қатъий ўтказиб

борилади. Бу эса ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Мактабга тайёрлов гуруҳларида:

1. Атрофимиздаги олам билан таништириш ҳафтада 2 соат.
2. Табиат билан таништириш ҳафтада 0.5 соат.
3. Нутқ ўстириш ҳафтада 1 соат.
4. Саводга ўргатиш ҳафтада 1 соат.
5. Бадий адабиёт билан таништириш ҳафтада 0.5 соат.
6. Илк математик тасаввурларни шакллантириш ҳафтада 2 соат.
7. Расм ҳафтада 2 соат.
8. Аппликация ҳафтада 0.5 соат.
9. Куриш яшаш (қўл меҳнати) ҳафтада 0.5 соат.
10. Лой иши ҳафтада 1 соат.
11. Жисмоний тарбия ҳафтада 2 соат.
12. Мусика ҳафтада 2 соат.

Жами 15 соат кўринишида ҳафталик машғулотлар мавзули-таквим режаси «Болажон» таняч дастурида берилган. Мазкур таквим режа асосида машғулот жадвали тузилади.

Боғчада ўтиладиган машғулотлар турлари мактабга тайёрлов ёки катта гуруҳларда 12 та фан асосида ўтказиб борилади. Фан (машғулот)ларнинг ҳафталик соатларини юқорида келтирдик. Айрим фанлар ҳафтасига 2 соат, баъзилари 1 соат, айримлари 0.5 соатдан эканлиги маълум.

Машғулотлар ҳафтада 5 кун бўлади. Ҳар кун 3 соатдан машғулот бўлади. Машғулотларнинг ҳар бирига 25-30 дақиқа вақт ажратилади.

1. Юқорида келтирилган машғулотларнинг мавзули-таквим режаси асосида боғча болаларининг мактабга тайёрлов ёки катта ёшдаги гуруҳларини мактабларнинг 1-синфига тайёрлаб борилади. Биз мазкур тадқиқотимизда боғча болаларини кўпроқ оддий ўқиш ва оддий ёзишга тайёрлаш масалаларига диққатни қаратдик.

2. Мактабга қабул қилинган 1-синф ўқувчиларни ёши 6-7-8 ёшдан иборат бўлади. Кўп ўқувчиларнинг ёши 7 ёшни ташкил этади, 6 ёшлилар камроқ, 8 ёшдаги ўқувчилар улардан ҳам учрайди.

Фанларни ўзлаштириш 1-синфда ёш танламайди. Ўзлаштириш сифати фанларни қизиқарли бўлиши, болалар ёши, савиясига, ўқитувчиларни маҳорати, дарс ўтиш методи, мавзунини баён қилиш темпи, кўргазма, техника воситалари, натурага боғлиқдир, бизнингча.

Фанларни ўзлаштиришнинг яна бир омили болаларнинг руҳий ҳолатларига, кайфиятига, хотира, сезгирлик, ҳис этиш қабиларга ҳам боғлиқдир. Фикрлаш, тафаккур қилиш, билиш қобилиятлари, ўзлаштиришга сезиларли таъсир этади [4].

Катта ёшдаги гуруҳларда, яъни мактабга тайёрлов гуруҳларидаги болаларда ҳолат бирдек бўлмайди. Баъзилари, асосан, қизларда ҳаяжонланиш, хавотирланиш, титраш ҳолатлари кузатилди. Лекин, тушқунликга тушиш ҳолатлари, умуман кузатилмади. 8 нафар ўқувчининг кўпида тушқунлик бўлмади. Бироқ бошқа ҳолатларнинг бўлиб ўтганини гувоҳи бўлдик. 4 нафар қиз бола ва 4 нафар ўғил болаларнинг ҳеч бирида тушқунлик сезилмади. Аксинча, қизларнинг 3 тасида ҳаяжон, хавотирлар ва титрашлар бўлди. 4 нафар ўғил болаларнинг 1 тасида жиддийроқ, 1 тасида сал шундай кайфият аниқланди ҳолос. Бу тадбир мактабнинг 1 синфга қабул қилинган ўқувчиларнинг 6 нафарида кузатилди. Уларга шундай версия қўйилди: «Болалар, ҳозир мактабимиз директори сизлар билан суҳбат ўтказади. Тайёрланиб туринглар», - дейилди.

Ўқувчилар орасида боғчадан келганлар ва оиладан келганлар баравар олинди, 3 нафар боғча боласи, 3 нафар оиладан келган, боғча юзини кўрмаган болалар танланди. Боғчадан келган болалар билан суҳбатнинг ижобий томонлари кўп бўлди. Оиладан келган болаларда салбий томонлар кўпроқ сезилди. Уларда уялиш, ҳаяжон, одамовилик, саволларга жавоблар кўрка-писа, пухта ўйланган бўлса ҳам, секин (паст овозда) бўлса-да, дадил бўлди. Тажрибалар шуни исботлайдики, боғчанинг ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни жуда каттадир.

Болаларни мактабга тайёрлаш оиладан ва боғчадан бошланади. Оилада ҳам, боғчада ҳам болаларни фақат мактабга тайёрлаш ишлари билан чегараланиб қолмаймиз, балки болаларни оилада, боғчада, мактабда савод ўргатиш (энг оддий ўқиш, босма ёки ёзма матнни синф тезлигида ўқий олиш ва энг оддий ёзиш, эшитганини, кўрганини ёза

олиш, кўчириш, тиниш белгига риоя қилиш)га ҳам бир талай вақтлар ва меҳнатлар сарфланади [5]. Оилада болани савод ўргатишга тайёрлашнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари мавжуд (бу ҳақда алоҳида тадқиқотлар олиб бориш талаб этилади). Савод ўргатишга тайёрлашнинг боғчадаги ўзига хос хусусиятлари ҳам алоҳида ўрганишни, тадқиқотни ва таҳлиллар ўтказишни талаб қилади. Бироқ бу ишларнинг мақсади битта бўлса ҳам оилада ва боғчада турлича йўналишлар, методларда ва турли савияда ўтказилади.

Биз ушбу мақоламизда савод ўргатишга тайёрлашнинг мактаб босқичи масалаларига алоҳида тўхталмоқчимиз. Чунки бу тадбир мактабга илк қадам қўйган ҳар бир мурғак қалбнинг, жажжи болажонларни, шириндан-шакар ўғил ва қизалоқларнинг ҳаётида ўчмас из қолдирадиган даражада уюшқоқлик ва юқори савияда ўтказилиши лозим. Болаларни мактабга қабул қилиш, мактаб контингенти бўйича умумий рўйхат ва боғчадан келган болалар ҳисобига бажарилади. Боғчадан келган боламактабга, унинг кун тартибига, ёзиш ва чизишга, суҳбат ва муҳокамага осон ва тез мослаша олади. Чунки улар боғчада маълум даражада тартиб-интизомга, гуруҳга, жамоага, ўзини тутишга, муомалага, одоб-ахлоққа одатланган бўладилар. Шунинг учун уларни бошқариш осон бўлади. Бу боғчадаги оғир меҳнатнинг самараси, натижасидир.

Оиладан мактабга қабул қилинган болаларни тартиб-интизомга, мактабнинг қонун-қоидаларига мослаштириш осон кечмайди. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳамма оиладан келган болалар ҳам бирдай (интизомли, тартибсиз, ўйинқароқ, шўх, эрка ёки одамови) бўлавермайди. Бу эса болаларга индивидуал, яъни алоҳида-алоҳида ёндошишни, алоҳида муносабатда (эркалатиш, дўқ-пўписа ва ширин сўзлик қабилар) бўлишни талаб этади. Боланинг қалбига йўл топа олмас экансиз, у билан бўладиган таълим-тарбия соҳасида муваффақиятга эриша олмайсиз. Болалар билан бўладиган алоқани ижобий ҳал этиш учун педагог аввало, билимга, тажрибага, маҳоратга (вазятдан чиқиб кетиш, соғлом муҳит яратиш) эга бўлиш руҳунос ва педагогик сирларидан огоҳ бўлиши лозим. Бу дегани мактабга ўзгача умид ва иштиёқ билан қадам қўйган болага эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни, яъни хушмуомала, ширинсўзлик ва меҳрибонликни талаб этади.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. -Т.: «Маънавият», 2008.
2. “Болажон” таянч ўқув дастури. //“Мактабгача таълим” № 2. -Тошкент: 2010.
3. “Ўзвийлаштирилган Давлат таълим стандарти ва ўқув дастури”.(1-4-синфлар учун). -Тошкент: 2010.
4. Брызгунов И.П., Касатникова Е.В. Непоседливые ребёнок, или всё о гиперактивных детях. -М.: 2001.
5. Нишонов З.Т. Болалар психик таракқиёти муаммолари бўйича психологик маслаҳатлар бериш. -Т.: 1997.

Ушбу мақола мактабгача ва бошланғич таълимни ўзаро мувофиқлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари, мактабгача таълимга инновацион ёндашув масалаларига бағишланган.

Статья посвящается вопросам инновационного подхода к системе дошкольного образования, приводятся особенности дошкольного и начального образования.

The article focuses on the issues of innovative approaches in the system of pre-school and primary education. The author analyses the characteristic features of pre-school and primary education.

БЎЛАЖАК ПСИХОЛОГЛАРНИНГ КАСБИЙ РИВОЖЛАНИШИДА МОТИВАЦИОН СОҲАНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

М.Ю.Бабаниязова - тадқиқотчи

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Таянч сўзлар. психология, шахс, мотив, мотивация, психолог-талаба, таълим.

Ключевые слова. психология, личность, мотивация, студент-психолог, образования.

Key words: psychology, personality, motiv, motivation, psychologist student, education.

Бугунги кунда бутун дунёда амалиётчи психологларга бўлган талаб йилдан йилга ошиб бормоқда. Айниқса, глобаллашув жараёнида инсон психологиясида рўй берадиган ўзгаришлар ва унинг шахслараро муносабатларга таъсири, шахснинг жамиятда ва ўз-ўзи билан мулоқот ва муносабат масаласида психологнинг иштироки муҳимдир.

Олий психологик таълим тизими қурилишининг замонавий босқичида амалий психолог тайёрлаш талаби ўзгармоқда. Бугунги кунда шундай психологга эҳтиёж мавжудки, ўзгарувчан дунёда инсон руҳиятини тушунишда ва муаммоларини англаш ва ечимини топишда ҳам назарий ҳам амалий билимдонлик талаб қилинади. Мазкур масала юзасидан фанда кўпгина илмий-тадқиқотлар олиб борилган. Олий таълим тизимида таҳсил олаётган бўлғуси психологларнинг касбий шаклланиши ва ривожланишида мотивациянинг ўрни ва аҳамиятини рус олимларининг

Ўзбек халқи болажон халқдир. Ҳар бир мактаб ходими болаларни худди ўз боласидек кўриши керак. Чунки улар мактабда турли одамларга дуч келадилар, ҳар хил жойларда бўладилар. Ҳоҳ у мактаб раҳбари бўлсин, ҳоҳ фан ўқитувчиси, ҳоҳ фаррошми, қоровулми болага ҳурмат билан, меҳмондай эътибор билан қарашлари зарур. У мактаб ҳовлисида, спорт майдонларида, ошхонада ўзига хос иззат-иқром билан кутиб олиниши, хурсандчилик билан, кулиб, жилмайиб, табассум билан қарши олиниши лозим. Бу орқали болаларга кўп нарсада ибрат бўламлигини эмас, уларнинг мактабга, ўқишга бўлган қизиқиш-ларини, ихлосларини оширишга сабабчи ҳам бўламиз. Қисқаси, болаларни тергайвермаслик, бўлар-бўлмасга уларни таъкидлайвермаслик керак. Демак, таълим-тарбияда кўп нарсада ибрат кўрсатишнинг ижобий томонларини сўзлаб ўтиришга ҳолат йўқ.

Таълим –тарбияда оила, боғча, мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги ҳозирги вақтда мукаммал таълим-тарбия беришнинг муҳим омилларидан биридир.

Оила, боғча ва мактаб ҳамкорлиги таълим-тарбиянинг сифатини оширишда асосий восита эканлиги аввалдан устувор масала ҳисобланиб келган.

Таълим-тарбияни ривожлантириш ва такомиллаштиришда кейинги йилларда зарур манба сифатида маҳалла ҳамкорлиги ҳам эътироф қилинмоқда.

Мактабгача ва бошланғич таълимни мувофиқлаштиришнинг самарали йўналишларидан бири оила, боғча мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги ўзига хос томонларини аниқлаш ва уни мувофиқлаштиришга қўшган хиссасини белгилашни ўз ичига олади.

Мактабгача ва бошланғич таълимни мувофиқлаштириш(боғлаш)нинг савод ўргатишга тайёрлаш жараёнининг машғулотларини нуфузини ошириш йўллари белгилаб беради.

Боғча ва мактабгача таълимда, бошланғич таълим ва савод ўргатишга тайёрлаш машғулоти сифатини оширишда оила, боғча, маҳалла ва мактаб ҳамкорлиги, улар ишини мувофиқлаштиришнинг мақсадга мувофиқ йўналишлари белгилаб олинишини таъминлашдир.

РЕЗЮМЕ

РЕЗЮМЕ

SUMMARY

амалга оширган ишларида кузатиш мумкин.

Олий таълим тизимида талаба - психологларнинг таълими масалалари Б.Ц.Бадмаев (2000), Т.М. Буякас (2000), А.Ф.Березин (2002), И.В.Бачков (2007), И.Б.Гриншпун, (2007); Н.Н.Зотова (2003), Ф.З.Кабилов (2003), Т.А.Казанцева (2000), Е.А.Климов (2003), Е.П.Кринчик (2004), Г.Ю. Любимова (2005), Н.П.Ничипоренко (2000), В.М.Новикова (2002), Н.Ю.Олейник (2002), Л.К.Портнова (2003), Н.С.Пряжников (2005), О.Н.Родина (2002), С.В.Тарасов (2004), В.А.Фокин (2005), Л.Б.Шнейдер (2004) ва бошқаларнинг тадқиқотларида ўрганилган.

Талаба-психологларнинг касбий билим ва кўникмалари ривожланишида меҳнатнинг янги воситаларини эгаллашга шайлик, инсоннинг касбий тажрибаси ривожланишида ўзгарувчан шароитларга фаол мослашишга тайёргарлиги